

Сачың шикестиде бардыр шикесте көңүлдер,
Көңүлдер ачылар, ачылса ол, гара сачың.
Ачылды көңүл, чүн ачдың сачыны Бабырың,
Не айып эгер дейсе, дилбенд-у-дил-гуша сачың [2:11].
Шайырдың усы ғәззели XIX әсир түркмен шайыры
Молланепестин «Сачың» (Шашың) атлы қосығы менен
идеялық-тематикалық жақтан жүде уасас. Мәселен,
Молланепес:

Көлге дийип саяладым,
Турып гөрсем – тыла сачың!
Ана билмән, көп ойландым,
Тутып гөрсем – тыла сачың!
Шана урсаң ялкым сачар,
Ай утанар, йүзүн сылар,
Гөрсем дийип, көңлүм галар,
Тутып гөрсем – тыла сачың!

Ярашар, бир баксаң гүлүп,
Өрсең оны, анбар чалып,
Яшыпдыр Ай, Гүн уялып,
Есер сениң тыла сачың [9:243], –

деген қосық қатарларында қыз гөззаллығы, оның шашының
сулылығы хақындағы ишкі сезімлер, пикирлеулер
көркем сүўретлеулер менен шебер баян етилген. Еки шайыр
да қыздың сулылығын, шашын сүўретлесе қосық
формасында өзгешеликтің бар екені көзге тасланады.
Мәселен, Бабур ғәззел формасында қосық жазса,
Молланепес төртлік формасында өз қосығын жазған.

Яки Бабурдың:
Ниче лаглың дек менің бағрым дола ган кыла сен,
Хатырымы ниче зүлпүң дек перишан кыла сен.
Ниче етиргей сен ил башыны гөге мэхр биле,

Әдебиетлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажатимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. -Т.: “Ўзбекистон”. 2017. 17-б.
2. Zahiruddin Muhammad Babur. Diwan. - A.: «Miras», 2005.
3. Хамид Сулейман. Миниатюры к Бабур-Наме. -Ташкент: 1972.
4. Zahiruddin Muhammad Babur. Diwan. -A.: «Miras», 2005, 225-бет. // Babur diwany. - Ankara: 1995. 19-s.
5. Magtymguly. Saýlanan eserler. I jilt. -Aşgabat: 1983.
6. Yujel B. «Babur «Diýwan»ynda mesnewiler».- Aşgabat: //«Miýras». 2016. №3.
7. Zahiruddin Muhammad Babur. Diwan. -A.: «Miras», 2005, 225-б. // Babur diwany. - Ankara. 1995. 19- s.
8. Magtymguly. Şygýrlar. 52-sah. // htt // Ene dilim. com.
9. Magtymguly. Şygýrlar. -Aşgabat: 1992.
9. Mollanepes. Goşgular ýygındysy. -Aşgabat: «Miras». 2009.

Мақолада ўзбек шоири Заҳириддин Мухаммад Бабур ижоди ва унинг туркман адабиётига таъсири масалалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается творчество узбекского поэта Захретдина Мухаммета Бабура и его влияние на туркменскую литературу.

SUMMARY

The article deals with the works of the Uzbek poet Zakhretdin Mukhammad Bobur and his influence on Turkmenian literature.

У.ХАМДАМ ҲИКОЯЛАРИДА ОЛАМ ВА ОДАМ КОНЦЕПЦИЯСИ

С.Д.Курунов – филология фанлари бўйича PhD доктори

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: глобаллашув, давр, жамият, шахс, адабиёт, наср, постмодернизм.

Ключевые слова: глобализм, период, общество, личность, литература, проза, постмодернизм.

Key words: globalism, period, society, personality, literature, prose, postmodernism.

XXI аср ахборот ва илғор технологиялар асри. Айни вақтда, бу асрни сиёсий-ижтимоий жиҳатдан ўта таҳликали деб аташ мумкин. Зеро, катта мамлакатларнинг манфаатлари тўқнаш келиб, ташқи сиёсатнинг тобора таранглашаётгани, ядро қуролларининг хавфи ортаётгани ва глобал исишнинг кучайиб бораётгани инсониятни тубсиз жарлик ёқасига олиб келиб қўйди.

Ҳозирги глобал сиёсий-ижтимоий вазият маданий ҳаётнинг турли жабҳалари каторида бадий адабиётга ҳам таъсир этмай қўймайди. Хусусан, ўзбек насрида глобал дунёнинг бир бўлаги бўлган шахс мақомини англаш, унинг мақсад ва вазифаларини даврга мос равишда белгилаш ва чигал дунёнинг муаммоларига ечим топишга уриниш кучли.

Ҳозирги ўзбек насри ҳақида сўз бораркан, киши эътиборини, аввало, бу жараёндаги ранг-баранглик ўзига тортади. Зеро, миллий адабиётимизда яратилаётган асарлар нафақат мазмун-моҳиятига кўра, балки ифода шакллари жиҳатидан ҳам хилма-хиллик касб этмоқда. Албатта, бунга табиий ҳол сифатида қарасак ўринли бўлар, чунки ҳозирги глобаллашув даврида бирор шахс ёхуд бутун бир ижтимоий гуруҳнинг муайян руҳий-маънавий ҳолатда муқим яшаши кийин. Худди шу ҳол ўзбек адабиётида ҳам акс этиб, ундаги

Ниче мени жебирден ер биле егсан кыла сен.
Көңлүме душнам-у тағның онча мақдыр еге сен,
Жаныма бидад-у зулмуң олча имкан кыла сен.
Диймей «ахсенту» лафзын Бабыр, ол ярың сениң,
Ниче ким Хасан киби өзүни суҳандан кыла сен [2:73-74].

деген қосық қатарлары Молланепестин «Бу мекана гелмишем» (Бул мэкәнға келдим) атлы қосығы менен мазмунлас. Мысалы:

Эй гөвнүмде хошгәхим, ажап Гурханым сен-сен,
Ики жахан чырагым, диним-иманым сен-сен,
Ышк әхлиниң солтаны, ғашы кеманым сен-сен,
Яс гүнүмиң хоррамы, гөвни ханданым сен-сен,
Көөн бағрым аташы,
Ышк кәримнң сырдашы,

Сал рехим назарың, мен хижрана гелмишем [9:227]
деген қосық қатарларын салыстырып қарағанымызда, еки қосықта да ашық қахарманның ишкі сезімлері, оның сүўретшилиги мысалында баян етилген. Бабур хәм Молланепес өз қосықларында қыз гөззаллығын сүўретлеуде көркем деталларды дурыс таңлаған. Оларда тийкарығы идея – «мухаббат» түсинигинен бағдар алып, оқыўшыны улыўма түсиниклер менен таныстырыў, әдеп-иқрамлылық жақтан тәрбия беріў мақсет етиледі.

Улыўма алғанда, Захириддин Мухаммед Бабур өзбек әдебияты тарихында белгили из қалдырыў менен бирге, оның әдебий мийрасы түркмен шайырлары ушын да әдебий дөретиўшилиқ мектебининг үлгиси болғанын жоқарыдағы талқылаўлардан анық көриўге болады. Сонлықтан, шайырдың өзбек-түркмен әдебий байланысларында тутқан орнын келешекте арнаўлы изертлеў керек деп есаплаймыз.

ранг-барангликни таъминлаётган асосий омил бўлса, ажаб эмас. Лекин шу жараёнда ҳам муайян оқим ва умумийликни кўрсатувчи жиҳатлар талайгина топилади. Хусусан, Шарк ва Ғарб маданиятлари яқинлашуви натижасида шаклланаётган тамойиллар, оламни хаос дея қабул қилувчи постмодернизм йўналишининг таъсири бугунги кун насрида сезиларли даражада намоён бўлмоқда. Айтиш мумкинки, ижодкор постмодернизм тамойиллари воситасида олам ва одамнинг янгича концепциясини илғари сурмоқда.

Рус файласуфи П.Гречко “Ҳозирги кунда “постмодернизм”дай оммабоп, мавхум ва кўп қиррали термин йўқ” [3] деб ёзган эди. Шу маънода ўзбек адабиёти намуналарини постмодернизм йўналиши тамойиллари асосида таҳлилга тортиш баъзи назарий чалкашлиқлару сунъий хулосаларни келтириб чиқариши мумкин. Аммо муаммонинг иккинчи бир тарафидан асло кўз юмиб бўлмайди: глабаллашув, илм-фан таракқиётининг янги босқичга кўтарилиши, ҳар қанча таракқий топмасин, табиатнинг “оддий” ҳодисаларига ойдинлик киритолмаётган, на коинотнинг ва на кичик зарра(молекула)нинг чеку чегарасини тополмай танг бўлаётган инсон салоҳияти ва унинг ўзгариб бораётган

мақсадлари, ҳаётӣ маъноси, умуман, адабий жараён шаклланаётган давр, янги ижтимоий муносабатларнинг санъатга таъсири масаласи ҳам борки, бу миллий адабиётимизда яратилаётган муайян асарларга янгича бир нигоҳ билан қарашга ундайверади.

Таниқли адиб Улугбек Ҳамдамнинг кейинги ижодий фаолияти ҳақида кенг таассурот берувчи “Лола”, “Бир пиёла сув”, “Пиллапоя”, “Сафар” каби ҳикоялари ҳам юқоридаги мақсадимизга тўла мос келади. Бойси, бу ҳикоялар Озод Шарафиддинов эътироф этганидай, “том маънода анъанавий услубда ёзилган” [6]. “Мувоzanат” романи ёки модернизмнинг экспрессионизм оқимиға яқин турувчи “Ёлғизлик” киссаларидан нафақат мазмун-моҳияти, балки ифода хусусиятларига кўра ҳам жиддий фарқ қилади.

Ёзувчининг сўнги ҳикояларини бир туркумға мансуб дейиш мумкин. Янада аниқлик киритсак, мен уларни “Йўл ҳикоялари туркуми” деб атаган бўлардим. Чунки ҳар бир ҳикоялар воқеалари муайян Йўлда кечади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, асар сюжетига фақат йўлнинг ўзигина мавжуд бўлиб, ҳикояда унинг на боши на охири аниқ ифодаланади. Айтайлик, “Лола” ҳикоясида қаҳрамон тоғлар ошиб бораркан, мақсади умрининг мазмуни бўлган лолани топиш эди. Лекин қаҳрамондаги бу истакнинг туғилиш сабаблари ҳам, яқунда унинг заҳматлари натижаси ҳам асарда кўрсатилмайди. Қаҳрамон тўғридан-тўғри йўл устида намоён бўлади: *“Шундоқ рўбарўмда қоя – қиррадор тошди, тик ва баҳайбат”*. “Бир пиёла сув”да ҳам худди шундай ҳолга гувоҳ бўламиз: *“Менга вазифа юклатилган эди. Бироқ нима учун айнан менга? – билмайман. Ким ва қандай вазиятда топишириқ берди? – буни ҳам негадир эслай олмайман. Ёдимда қолгани – нимадир ортилган, иккита от қўшилган аравани шом тушгунга қадар манзилга элтишим зарур”*[5].

“Пиллапоя” ҳикояси қаҳрамони эса зинадан кўтарилаётган ҳолида тасвирланади. Ёзувчи бу зиналардан кўтарилаётган ва тушаётган одамлар баробарида бутун инсониятнинг умр йўлини тасвирлашга уринади. “Сафар” ҳикоясидаги ЙўЛ эса бошқалардан бироз фарқ қилади. Унда асар қаҳрамонлари қиз ва йигитнинг оролга келиб кетиши башарият қисматидаги йўлни ифодалайди. Адиб бутун тарихни кичик бир моделга жойлаб, аслида сафар инсоният ибтидоидан бошланганига ишора қилади. Умуман, бу борада ижодкорнинг мақсадини англаш қийин эмас. Яъни унинг учун тугал воқелик эмас, ЙўЛ муҳимроқ. Бошқача қилиб айтганда, сабаб ва натижа муносабатидаги ҳулосалар эмас, мавжуд жараён, ундаги рамзлар мақсадга айланган.

“Йўл ҳикоялари туркуми”нинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уларда шахс мақоми унутилади. Улугбек Ҳамдамнинг бундан ўн беш йиллар олдин ёзилган “Ёлғизлик” киссасини ўқирканмиз, юқоридагилардан фарқи, ўзгача бир ҳолга дуч келамиз. Асарда муайян кайфият ифодаси бирламчи ўринда бўлиб, унинг бутун мазмун-моҳияти шу кайфият билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Қаҳрамон – **жамият** аҳлидан бегоналашган, ҳамма қатори турмуш ташвишлари билан андармон яшашни эп кўрамайдиган ШАХС. Унинг рухий оламидаги эврилишлар **ижтимоий** ҳаёт ва индивид кўнглининг чамбарчас алоқаси – ўзаро зид муносабати асосида юзага келган. Қаҳрамон инсон мавжудлигини англаш йўлида аввало ўзини тафтиш қиларкан, чиқарган ҳулосалари мақсадли жараённинг умумий ечими вазифасини ўтайди. Агар “Ёлғизлик”нинг қаҳрамони – шахс ўзини хаотик оламда ёлғиз ҳис этиб, мавжуд қонуниятларга қарши, исёнкор позицияда турса, “Йўл ҳикоялари туркуми” қаҳрамони шу хаотик оламнинг оддий, зиддиятга ва муносабат билдиришга киришмайдиган **йўловчиси**га айланади.

Эътибор қилган бўлсангиз, “Йўл ҳикоялари туркуми”даги етакчи хусусиятлардан бири сифатида уларда хаотик жараён ифода этилаётганини таъкидалашга уриналмиз. Албатта, бу жудаям баҳсли масала, айниқса, Шарқ тафаккури ҳақида сўз бораркан. Лекин бири иккинчисини инкор этаётган ва оламни турли ракурсларда тушунтиришга уринаётган фалсафий-илмий қарашлар, урчи бораётган омма маданияти, ўзига хос демократик тамойиллар, жаҳон энергетикаси ортида юзага келган таҳлилкали замон – постмодернизмни шакллантирган бу каби омиллар бутун инсониятга-да дахлдор эмасми? Бизнингча, мақола аввалида таъкидлаб ўтганимиз

постмодернизм йўналишининг **қисман таъсири** шу ўринда намоён бўлади. Кейинги давр ўзбек адабиётида бу каби ифода тез-тез учраб тургани ҳам сир эмас.

“Йўл ҳикоялари туркуми”да ҳар бир қаҳрамон тақдири муайян ЙўЛда кечаркан, унинг манзили мавҳум тарзда ифодаланади. Демак, бу ўринда **манзилга етмаган йўловчи** мақсадининг ўзи хаотик. Масалан, “Лола” ҳикоясида ёзувчи, ҳатто, лоллага эришилган тақдирда ҳам яна бошқа лолаларнинг юзага келиши мумкинлигини инкор этмайди... Номаялум юкни номаялум манзилга элтаётган (“Бир пиёла сув”) ёки маъно излаб юқорига кўтарилаётган (“Пиллапоя”), зинадан пастга тушаётган мўътабар зот чехрасида ўша маънони кўрмаган бўлса-да, ҳамон МАЪНИ излаётган қаҳрамонда, билганлари фақат келиш-у кун келиб кетишдан иборат (“Сафар”) кишилар тақдирида ана шу хаосни кўришимиз мумкин.

Ҳикояларда постмодернизм йўналишини ёдга солувчи жиҳатлар учраб турса-да, биз уларга “Ғарб постмодернизмнинг айнаи ўзи” дея баҳо беришдан тийиламиз. Зеро, хаотик жараённинг йўловчиси сифатида эътироф этилаётган қаҳрамонимиз мақсадлари Ғарбдаги “ҳамроҳ”иникидан жиддий фарқ қилади.

Биз юқорида бугунги жаҳон тараққиёти ва бутун инсоният кайфиятининг умумий жиҳатлари, глобаллашув даврида миллатлар ва маданиятлар тобора бир-бирига яқинлашиб бораётгани ҳақида айтиб ўтдик. Шундай бўлса-да, Шарқ ва Ғарб кишининг яшаш фалсафаси ўртасида ҳамон катта фарқ мавжуд. Машҳур рус олими Юрий Боров *“Янги давр – янги парадигмалар демакдир”* [1] деб ёзади. У инсоният тарихидаги парадигмаларни тартиби билан санаркан, сўнги, модернизмдан кейинги (ҳозирги) даврни “Шарқ модели” деб атайди. Унга кўра: *“Шарқ маданиятлари олға сураётган парадигма жамият ҳаётининг идеал ва мақсадларини кўрсатмайди, балки донишмандлик ва пуртадбирлик ила унинг йўлини белгилаб беради”* [2]. Унинг Шарқ фалсафаси ҳақидаги фикрлари “Йўл ҳикоялари туркуми” мазмун-моҳиятига яқин келади. Яъни бу ҳикоялар ифодасида англашган манзил (идеал) тасвири эмас, балки шу манзилга элтувчи **йўл** ва унга қадар **йўловчининг** тобланиб бориши муҳимроқ.

Келинг, фикрларимизни мумтоз адабиёт намуналарига мурожаат этиш билан мустаҳкамлашга уриниб кўрамиз. Зеро, насримиздаги бу йўналиш янги дунё тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, унинг бир тарафи бой маданий меросимиз билан тўйинган. Шу сабаб “ЙўЛ” мавзусида сўз бораркан, Фаридиддин Атторнинг “Мантик-ут-тайр”, Навоийнинг “Лисон-ут-тайр” каби дostonларини ёдга олмай сира иложи йўқ. Бир-бирига жудаям ўхшаш бу асарларнинг қаҳрамонлари (қушлар) ҳам Семруғни излаб йўлга чиқадилар. Улар манзилга етганларига излаганлари Семруғни топа олмасалар-да, ўзлари унинг даражасида эканлигини тушуниб етдилар. Бу ўринда оламдаги барча нарсда Яратганнинг Ўзи тажалли этади ва бутун борлик бир вужудда мужассам (Ваҳдатул вужуд) деган тасаввуфий қарашнинг далили мавжуд. Лекин буларни англаш, чин маънода ҳис қилиш машаққатли **йўл**ни босиб ўтганларгагина насиб қилади.

Кўриниб турибдики, “Йўл ҳикоялари туркуми” билан мумтоз адабиётимиз намуналари ўртасида кучли боғлиқлик бор. Бу асарларнинг барини маъно излаб бораётган йўловчи образи бирлаштириб туради. Аммо Семруғни излаб бораётган қушлардан фарқи ўлароқ, бизнинг қаҳрамонларимиздан ҳеч бири ўз манзилига етиб бормаган. Аттор ва Навоийнинг дostonлари, албатта, хаосдан ҳоли. Шу сабабдан ҳам сафарга отланган қушлар олдида Идеал, Мақсад ва Манзил қундай равшан. Балки биз таққослашга уринаётган асарлар ўртасидаги асосий фарқ ҳам шундадир. Тўғри, “Бир пиёла сув” ва “Сафар” каби ҳикояларда қаҳрамон излаётган маъно, аслида унинг ўзи билан бирга эканлигига ишора мавжуд эса-да, лекин уларда ҳам идеал ва мақсад очик-ойдин кўрсатилмайди.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир қатор асарлар: Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” ва “Озод” каби романларига қаратмоқчиман. Сабаби бу асарларда ҳам **йўловчи** образи тасвирланади. “Алкимёгар” романининг ҳазина излаб йўлга тушган Сантьяго_исмли қаҳрамони ўз манзилига яқинлашиб бораркан, қомилликка эриша бошлайди. У манзилга етиб келганда эса, излагани ўз юртида эканлигини тушуниб етди. Худди шунга ўхшаш воқелик “Озод” романида ҳам

акс этади. Роман қахрамони ҳам бахтнинг тимсоли лолани кидириб йўлга чиқаркан, манзилга қадар турли воқеалару синовларни бошдан кечиради. Ахйри, манзилга етган Озод лоланинг ўзидай ночор, унинг ўзидай бахтга орзуманд маҳлуқот эканлиги кўриб бариға тушунади: “Бахту саодат нима эканини энди-энди англамоқдаман... йўлимда учраган ҳамма нарса аслида хулоса чиқаришим ва маънисини англашим учун атайлаб йўлларимга сочиб қўйилганини ҳам тушунапман” [4]. Ва Озод ўзидаги мислсиз кучни юртига қайтгандагина ҳис қилади. Умуман, ҳар икки роман сюжети илдизлари ҳам Шарқ мумтоз адабиёти намуналарига бориб туташади. Аммо Исажон Султоннинг “Бокий дарбадар” романи ҳақида бундай ҳуқум чиқариб бўлмайди. Асарда кетар йўлидан адашган башарият қисмати қаламга олинган бўлиб, унда ўргимчак тўридай чирмашиб кетган ўнлаб йўлларни кўриш мумкин. “Бокий дарбадар” моҳиятан “Йўл ҳикоялари туркуми”га яқин туради. Чунки унинг қахрамони ҳам манзилга етиб бормаган, аммо ҳамон ўз йўлини кидириш билан овора. “Бокий дарбадар”даги айтиш шу жиҳат уни “Озод” романидан кескин фарқловчи омил бўла олади.

Айтмоқчимизки, Улуғбек Ҳамдамнинг “Йўл ҳикоялари туркуми” ва Исажон Султоннинг “Бокий дарбадар” романида бугунги кун кайфияти, постмодернизм йўналишининг қисман таъсири зухур бўлган. Шу сабабдан биз уларни тўлалигича мумтоз адабиёт намуналари билан таққослай олмаимиз.

Ғарбда, умуман, бутун дунёда оммавий дидсизлик тобора кучайиб бораётган бир пайтда, бизнинг адабиётимизда бундай асарларнинг яратилаётгани, албатта, қувонарли. Ю.Борев “совуқ уруш тугаганидан сўнг бошланган янги давр башарият тарихида ilk бор ҳеч қандай мавжудлик формуласига эга эмас” [1:160] деб ёзади. Яна бир рус санъатшуноси В.Микушевич постмодернизм инсониятга хаос ва бемаъниликдан ўзга нарса бера олмайди деб ҳисоблайди. Балки умумий олиб қараганда, инсоният шунга ўхшаш кайфиятга тушиб қолгандир. Балки Ғарб кишии мақсадсиз ва идеалсиз яшашга кўникиб улгургандир. Лекин бу “Шарқ модели” эмас!

Идеал ва олий мақсадлар инсоният ҳаётининг асл маз-

Адабиётлар

1. Борев Ю. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси. // “Шарқ юлдузи”. 2011. №4.
2. Борев Ю. Парадигма современной эпохи (<http://independent-academy.net/science/library/ideall.html>).
3. Гречко П. Социальная теория современности. -М.: РУДН, 2008.
4. Султон И. Озод (роман). // “Шарқ юлдузи”. 2011. №5.
5. Ҳамдам У. Тўлин ой қиссаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
6. Шарафиддинов О. “Мувозанат” – том маънода анъанавий услубда ёзилган асар (<http://ulugbekhamdam.uz/?p=248>).

РЕЗЮМЕ

Мақолада Улуғбек Ҳамдам ҳикояларида илгари сурилган олам ва одам концепцияси ёритилган. Ёзувчи ҳикояларининг бадиий-ғоявий мазмуни постмодернизм йўналиши тамойиллари асосида таҳлилга тортилган. Таҳлил орқали глобализация даврида инсоният қаршида турган янги мақсад ва вазифаларнинг бадиий ифодаси ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается концепция мира и человека, отразившаяся в рассказах Улугбека Ҳамдама. Рассматривается идейно-художественная сущность рассказа писателя с точки зрения постмодернизма. Выявлено авторское понимание целей и задач человечества, стоящих перед ним в условиях глобализации.

SUMMARY

The article deals with the concept of peace and man, reflected in the stories of Ulugbek Hamdam. The author considers the ideological and artistic essence of the writer's story in terms of postmodernism. The author's understanding of the goals and tasks of humanity facing him in the context of globalization is revealed.

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚЛАРИДА ТЕЗ АЙТИШ ЖАНРИ ҚИЁСИЙ МУШТАРАКЛИГИ

И.Б.Мадияров – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: фольклор, эртак, нақл-мақол, топишмоқ, тез айтиш.

Ключевые слова: фольклор, сказка, пословицы и поговорки, загадка, скороговорка.

Key words: folklore, tale, proverbs and sayings, puzzle, tongue-twisters.

Маълумки, туркий халқлар азал-азалдан бир-бирлари билан маданий ҳамкорликда истиқомат қилади. Бинобарин, ўзбек ва қорақалпоқ этник қатлами миллий урф-одатлари, асрий анъаналари, дунёвий моҳияти, диний-маърифий сажияси, бадиий-эстетик қарашлари, турмуш тарзи, адабиёти, тили ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари муайян типологик муштаракликка таянади.

Аслида аждоқларимиз адабий тафаккури маҳсули бўлмиш халқ оғзаки ижоди халқ миллий маънавияти негизини ташкил қилади. Фуқаролик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ва ёш авлодни барқарор шахс этиб

мунидир. Аммо бугунги дунё кайфияти ўз мавжудлигида ана шу маънининг борлигига шубҳа билан қарамоқда. Аслида, айтиш шу кайфиятни ифодаловчи постмодернизмни шакллантирган асосий омиллардан бири бу Шарқ ва Ғарб маданиятларининг яқинлашувидир. Лекин Шарқнинг БЕМАНИЛИККА қандай алоқаси бор?..

ШАРҚ – ҳинд, хитой, мусулмон элатлари фалсафаларини (даосизм, конфутсий, индуизм, суфизм) кузатганимизда, уларнинг барида дунёнинг МАЪНИСИЗ эканлигига ишорат борлигининг гувоҳ бўламыз. Шарқ кишии учун доим тақдири азалнинг ҳақлиги, дунёнинг фаний эканлиги муҳим бўлган. Шу сабабдан у идеал ва маънони реал оламдан эмас, ундан ташқарида излаган. Худдий шундай, агар у мавжуд жараёни хаотик ҳолда кўраса-да, чинакам тартиб ва бутунлиқни идрок этиш учун инсон тафаккури оғизлик қилишига ҳам иймон келтира олади. Балки Ғарбга бир мунча пессимист Шарқнинг фаний дунёга бўлган муносабати таъсир этиб, оптимисти кишилар бунинг ортидаги моҳиятни ўзларига сингдира олмагандир?..

Хуллас, ўзбек насри шаклида ҳар қанча янгиланмасин, ўз моҳиятида **шарқона яшаш фалсафасини** сақлаб қолаверади. Шу боис ҳам уларда оламни англаш йўлида инсон иродасидан ташқаридаги Кучнинг бевосита ифодаси (“Йўл ҳикоялари туркуми”, “Бокий дарбадар”), инсонни дунё чархпалагининг оддий, аммо **кузатувдаги йўловчиси** сифатида тасвирлашга бўлган ҳаракат мавжуд.

Биз юқорида насримиздаги ўзгаришлар Ғарб постмодернизмидан жиддий фарқ қилишини айтиб ўтгандик. “Йўл ҳикоялари туркуми” айтиш шу фикримизни тасдиқлай олади. Қаҳрамон ўз мавжудлиги, манзили ва асл мақсадини идрок эта олмаса-да, МАЪНИ кидиришдан тўхтамайди. Агар постмодернистлар оламни хаос дея қабул қилиб, уни бор-борича (бемаъни) тасвирлашга уринса, Улуғбек Ҳамдам асарларида хаос деб кўрилган жараёндан қочиш, ундан маъно ва бутунлиқни кидириш кучли.

Бизнингча, насримиздаги ўзгаришларга умумжаҳон иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларнинг миллий замин таянган қадриятлар билан синтези сифатида қараш ўринли бўлади. Ўзгаришларга Улуғбек Ҳамдам ижодиётидаги силсилалар ҳам айтиш шу нуқталарда намоён бўлади.